Ушбу сонда:
2 ИШЧАНЛИК МУҲИТИ уни мустаҳкам қарор топтириш осонмас
3 ЮРТИМИЗНИНГ ЭНГ ЯХШИ СИҲАТГОҲЛАРИ
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 5 январ, шанба №4 (1221)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ТОМДИБУЛОҚ ҚЎРҒОНИДА

Томди тумани марказида «Қариялар» дўкони иш бошлади. У Томдибулоқ қўрғонида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат кўрсатади. Бу ерда 30 қарияга 9 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бепул тарқатилмоқда. Шунингдек, фабрика ва фирмалардан шартнома асосида қариялабоп буюмлар, кийим-кечаклар келтирилмоқда.

- Туманимизда 41 та савдо дўкони, 4 та ошхона, 5 та нон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи фаолият кўрсатяпти,- дейди «Томдисавдо» ҳиссадорлик жамияти раиси Марат Сейтбоев. - Туман марказидан анча олисда жойлашган ширкат хўжаликларидаги савдо дўконларимизда ҳам қариялар учун алоҳида бўлимлар очганмиз.

(ЎзА).

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

ҒИЖДУВОН ЧИНОРЛАРИ

Туман нуронийлари ташаббуси билан хайрли ишлар рўёбга чиқди

Ғиждувон туманида ўзининг бой ҳаётий тажрибаси, билим ва салоҳиятини ёш авлод тарбияси йўлида сарфлаётган отахону-онахонлар кўп.

Нақшбандия тариқатининг давомчиси, улуғ аллома, маънавият ва маърифатимиз дарғаларидан бири Абдухолиқ Ғиждувоний туғилиб ўсган қадимий гўшанинг кўркам қишлоқларидан бирида уч аср юзини кўрган Шариф бобо умргузаронлик қилади.

Табаррук отахоннинг хонадонида катта тут дарахти бор. Ёз жазирамасида 30-40 киши соялайдиган сермева бу дарахтнинг экилганига 250 йилдан ошди. Уни отанинг катта боболари Эшод оқсоқол экиб кетганлар.

«Пахтаобод» ширкат хўжалигининг Кўкрабод қишлоғида ҳаёт кечираётган Шариф бобо Эшматов олти ўғил ва уч қизни тарбиялаб камолга етказган. Ардоқли қариянинг 40 дан ортиқ невараси, 10 чевара ва 2 нафар эвараси бор.

Пиру-бадавлат оиланинг фарзандлари элу-юртга муносиб кишилар бўлиб вояга етишган. Катта ўғил Ҳаким Шарипов етмишни қоралаб қолган, умри деҳқончилик билан ўтган. Кўп йиллар мобайнида хўжаликларга раҳбарлик қилган, иқтисод фанлари номзоди, билимдон олим. Ҳозир нафақада. Туман «Нуроний» жамғармасига раислик қилмоқда.

— Юртбошимиз томонидан 2002 йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши ҳаммамизни руҳлантириб юборди, — дейди у, — туманда 26 минг нафарга яқин фахрий бўлиб, уларнинг 45 нафари 100 ёшдан ошган кишилардир.

Ғиждувон азалдан фидойи одамлар юрти. Валижон Набиев, Латиф Зарипов, Ҳайдар Жўраев, Саттор Жабборов, Қизбиби Хусенова, Шоди Нуриллаева, Зайнаб Омонова каби уруш ва меҳнат фахрийларини ҳамюртлари фахр билан эслайдилар. Туманнинг С.Айний номли ширкат хўжалигида 82 ёшли Ҳазрат бобо Облоқулов деган табаррук қария яшайди. Қарийб ярим асрдан буён саркор бўлиб ишлаб келаётган бу кекса деҳқон ҳар гектар майдондан 40-50 центнердан пахта ва буғдой етиштиради. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвонига сазовор бўлган Ҳазрат бобо айни кунларда ҳам қариликка тан бермай, мустақилликни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни жадаллаштиришда фаол қатнашмоқда.

Қариялар туманнинг иқтисодий ва ижтимоий юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Меҳнат фахрийси Обида Ҳамроева, уруш қатнашчиси Самандар Ҳамидов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳамро Хўжаев, ёзувчи ва журналист Бахшанда Болтаева, қўли енгил шифокорлар Фазлиддин Неъматов, Усмон Баҳромов, Акмал Олимовлар туманда амалга оширилаётган ҳар бир ишда ташкилотчи ва ташаббускор бўлмоқдалар.

Икки йилдан бери оқсоқоллар ажойиб ташаббус билан чиқиб, боғларни оталиққа олганлар. Ҳозир170 гектар майдонни эгаллаб турган мевазорлар нуронийлар тасарруфида. Султон Жабборов номли ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, биринчи гуруҳ ногирони Мажид Рашидовнинг 10 гектарлик боғи ва токзорига ёзда кирган кишининг чиққиси келмайди. Сарҳил мевалар, сабзавот ва турли кўкатлар етиштирилаётган боғ нознеъматларидан ҳамма баҳраманд бўлиб келмоқда.

«Нуроний» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган «Энг яхши мураббий боғбон» кўрик-танловида Файзулла Хўжаев номли ширкат биринчи, Абдухолиқ Ғиждувоний номли хўжалик иккинчи, «Зарафшон» жамоа хўжалиги учинчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

— Қарияларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда, — дейди туман ижтимоий таъминот бўлими мудири М.Қаландаров. — Туманимизда 4718 нафар киши ногиронлик, 1615 нафар киши боқувчисини йўқотганлик нафақаларини олади.

Бундан ташқари 255 нафар вафот этган ҳарбий хизматчининг оилалари, уруш йилларида фронт ортида хизмат қилган 4070 нафар қария, 206 нафар ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз кекса, 201 нафар кўзи ожизлар алоҳида меҳрибонлик билан қуршаб олинган. Ҳозиргача улардан 62 кишига ногиронлик аравачалари, қарийб 2 миллион сўмлик дори-дармонлар тарқатилди. Уруш фахрийларига 150 минг сўмлик совға-саломлар берилди.

Туманда отахону-онахонларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар билан танишар эканмиз, муҳтарам Юртбошимизнинг «Биз бугунги камолимизда, ҳаёт йўлларида эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримизнинг, мўътабар қарияларимизнинг беқиёс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим» деган сўзлари хотирада жонланди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ОТАЛАР — ФАХРИМИЗ, СУЯНГАН ТОҒИМИЗ

Б.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

«САХОВАТ УЙИ»ДАГИ САВОБЛИ ИШЛАР

Фарғона шаҳридаги «Саховат уйи» қайта таъмирланмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳомийлар кўмаги билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари 450 миллион сўмни ташкил этди.

- «Саховат уйи»да истиқомат қилаётган 200 нафар отахон ва онахон доимий эътиборда. Ўтган йилда уларга 22 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари вилоятимизда истиқомат қилаётган ногирон қариялар зарур аравачалар, эшитиш мосламалари билан таъминланди. Икки минг нафардан зиёд кекса отахон ва онахонлар мамлакатимиз сиҳатгоҳларида бепул хордиқ чиқариб, ўз саломатликларини тиклаб қайтди.

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмалари фаолиятига бир назар

ҲИМОЯ

борасидаги вазифалар қандай бажариляпти?

Мазкур тармоқлар касаба уюшмалари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги мақсад-вазифаларни намунали ташкил этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгилашганди. Хўш, улар ўтган давр мобайнида қай даражада амалга оширилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар қўмитаси зарар кўриб ишлаётган корхоналарни мунтазам ҳисобга олиб боради. Кадрларни сақлаб қолиш, оммавий ишдан бўшатилиш ва ишсизликнинг олдини олиш мақсадида касаба уюшмаси тегишли корхоналарда тўлиқсиз иш ҳафтаси жорий этилишига розилик берди. Бироқ, бозор талаби қатъий. Лозим даражада омилкорлик, ташкилотчилик кўрсатилмаган, замонавий технология хусусида қайғурилмаган айрим корхоналар банкротга учради. Шунда шаҳар қўмитаси тугатиш комиссиялари таркибига ўз вакилларини киритиб, корхоналар мулкини сотиш эвазига иш ҳақи, пенсия ва нафақалар бўйича қарздорликни асосан ундиришга эришди.

Ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатида яхши тажриба тўпланган. Касабақўм томонидан 260 та кам таъминланган оила ҳисобга олинган бўлиб, уларга моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда, дарсликлар сотиб олиб берилмоқда. Комбинат қошидаги «Нуроний» фахрийлар уйида пенсионер ва етим болалар бепул дам олишади. Ўтган давр мобайнида 20 квартиралик турар-жой биноси фойдаланишга топширилди, ижтимоий бинолар қайта қурилди, айримлари таъмирланди. 127 ходим, шу жумладан, 48 нафар аёлнинг иш шароити яхшиланди. 85 аёл ноқулай меҳнат шароитидан чиқарилди.

Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракати кенг ёйилиб, янгилик ихлосмандларини муносиб равишда рағбатлантиришга эришилмоқда. Бир йил мобайнида 629 та рационализаторлик таклифи ва 10 та ихтиро амалиётга жорий этилиб, 8 миллион сўмликдан ортиқ иқтисодий самара олинди. Уларнинг муаллифларига икки ярим миллион сўмга яқин ҳақ тўланди.

Шу билан бирга, тармоқ касаба уюшмалари фаолиятида қатор камчилик ва нуқсонлар бор. Жумладан, сўнгги йилларда корхоналарни жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олиш пасаймоқда. Янгиободдаги 586 ходим фаолият юритадиган «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмасидек йирик корхонада бир неча йилдан бери жамоа шартномаси тузилмаяпти. Демак, меҳнаткашлар ижтимоий ҳимоясига суст эътибор берилмоқда.

Тармоқларда иш ҳақидан қарздорлик муаммоси долзарблигича қолмоқда. Бу борада «Ўзмашсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўзэлтехсаноат» корхоналарида қатор камчиликлар кўзга ташланади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган Раёсат йиғилишида юқоридаги камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида алоҳида гап борди. Анжуман иштирокчилари тармоқ касаба уюшмалари меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли тизимини жорий этиш борасида изчил фаолият юритишлари лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Ходимларга хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш юзасидан ҳали кўп иш қилиниши керак. Таҳлил шуни кўрсатдики, айрим жамоаларда тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаётганлиги боис бажарилмай қоғозда қолмоқда. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш битими жами 32 бўлимнинг атиги 8 тасини қамраб олган, холос. Натижада ходимлар махсус кийим-бош, пойафзал, якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан тўла таъминланмаяптилар. Ташвишланарлиси шуки, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар сусайтириб юборилган жойларда ўлим билан тугаётган бахтсиз ҳодисалар ҳамон содир бўлиб турибди. Бунинг бош сабаби, асбоб-ускуналарнинг маънавий ва жисмонан эскирганлигидир. Баъзи корхоналарда ёритиш, ҳарорат режими, ҳаво тозалагичлар қониқарсиз аҳволда. Якка тартибдаги ҳимоя воситаларига муҳтожлик сезилмоқда.

Тармоқ касаба уюшмалари сўнгги вақтларда меҳнаткашларни ҳуқуқий ҳимоялаш масаласига эътиборни кучайтирдилар. Ўз вазифасидан ноҳақ бўшатилган ёки ойлик маошини, товон пулини ололмай сарсон бўлиб юрган ишчи-хизматчиларнинг мушкули осон этилмоқда. Шундай бўлса-да, бу борада Тошкент, Самарқанд, Жиззах вилоятларидаги айрим корхоналарда кутилган натижага эришилмаяпти. Масалан, Маржонбулоқ ва Зармитан конларида иш доимий тусга эга бўлса-да, ходимлар негадир муайян муддатга ишга қабул қилинадилар. Буларни кўра-била туриб, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмалари бонг уришмаяпти.

Давр имиллашни кечирмайди. Омилкор, ташкилотчи, эртанги кун нафаси билан яшайдиган, янгиликка ўч, ташаббускор кишиларгина бозор ўртага қўяётган муаммоларни ҳал этиб, қийинчиликларни мардона енгиб ўтишга қодирдирлар. Демак, касаба уюшма фаоллари ишчанлик ва жанговарликни қуйи — ҳал қилувчи бўғинларда таъминлай олсаларгина кўзланган мақсадга эриша оладилар.

М.ИЛЁСОВ.

ФРАНЦУЗЛАР ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАШМОҚДА

Париждаги «Арматан» нашриётида Самарқанд давлат чет тиллар институти катта ўқитувчиси Саодат Дониёрова қаламига мансуб «Ўзбекча сўзлашайлик» деб номланган китобнинг тақдимот маросими ўтказилди.

Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси ва Евро-Медитеране ассоциацияси кўмагида ўтказилган ушбу маросим французларда ўзбек тили ва маданиятига бўлган қизиқиш кучли эканини намойиш этди.

Мазкур китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, ундан Ўзбекистон халқлари маданияти, урф-одатлари, бугунги турмуш тарзи, миллий либослари ҳақида қизиқарли маълумотлар ўрин олган. Китобга ўзбек тили луғатининг магнит кассетаси ҳам илова қилинган.

(ЎзА).

«Ишонч»га жавоб берадилар

ДАЛИЛЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Газетамизнинг ўтган йил 27 ноябр сонида босилган «Ишчи бўшашга ариза берди...» сарлавҳали мақолада «Урганч қурилиш материаллари заводи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида маошлар ўз вақтида ,берилмаётгани, айрим пайтларда иш ҳақи ўрнига силикат ғишт берилаётгани, бу каби камчиликлар оқибатида 30 нафарга яқин ишчи бўшаб кетгани каби камчилик-нуқсонлар танқид остига олинган эди.

Қуйида ана шу мақола юзасидан таҳририятимизга йўлланган жавоб хати билан танишасиз:

— Мақолада кўрсатиб ўтилган далиллар тўғри. Бу — ҳиссадорлик жамияти маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ва мутахассисларнинг мақола муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишдаги эътирофидир. Йиғилиш аҳли қабул қилган тадбирларнинг дастлабкилари амалда татбиқ этила бошланди. Жумладан, 1-тегирмон жорий таъмирдан чиқарилди. Оҳак куйдириш печи созланмоқда. Ишчиларга 230 минг сўмлик иш ҳақи тарқатилди. Қолган ойлик маошдан қарзлар амалдаги йилнинг март ойигача ҳисоб-китоб қилинади. Уй-жой қурилишига аванс тариқасида пул тўлаган шахсларга ҳақларини қайтариб бериш масаласи «Уйжойжамғармабанк» бўлими билан ижобий ҳал этилаётир.

Шунингдек, очиқ ҳиссадорлик жамияти фаолиятидаги бошқа камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўриляпти. Уларнинг ижросини туман ҳокимлиги ўз назоратига олди.

О.ОЛЛАБЕРГАНОВ,
Урганч шаҳар ҳокими ўринбосари.

Ўз уйингни ўзинг асра!

МАҲАЛЛА ПОСБОНИ

осойишталик таянчи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил декабрда бўлиб ўтган сессиясида Президентимиз Давлат равнақи ва халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлган осойишталикни таъминлашда, ҳар бир фуқаро ўзи яшаб турган маҳаллада ўзи тартиб ўрнатиши, маҳаллалар оқсоқоллари ва милиция ҳар томонлама соғлом, кучли ва бақувват йигитларни жипслаштириш зарурлиги тўғрисида уқтириб ўтган эдилар.

Ўтган қисқа муддат ичида пойтахтимизда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда милиция ходимлари билан биргаликда «Маҳалла посбонлари» уюшмалари ҳам ўзларининг сезиларли ҳиссаларини қўшиб келаётганликлари кўзга ташланади.

Жумладан, Ҳамза туман «Наврўз» маҳалласи посбонлари сардори И.Абдуқодиров ўтган йилнинг 5 май куни соат 21:30 да Лисунова кўчаси «Лисунов» кинотеатри ёнида фуқаро бўйнидаги тилла занжирини 1971 йилда туғилган Б.Ҳасанов олиб қочиб кетаётганида қўлга олишда бевосита иштирок этган.

Яккасарой тумани Дамариқ маҳалласида яшовчи В.Беляев номаълум шахс томонидан ўз уйида ўлдириб кетилган. Шу маҳалла посбони Ж.Солиев қотилни ушлаб, туман ИИБга топширади. Маълум бўлишича, жиноятчи бухоролик Жаҳонгир Бобоев деган шахс экан.

Шунингдек, Ҳамза тумани «Чўлпон» маҳалласида яшовчи Н.Сатнееванинг омборхонасидан А.Мишота деган кимса 35 минг сўмлик қурилиш молларини ўғирлаб кетаётганида шу маҳалла посбонлари сардори Ўктам Саидов томонидан ушлаб қолинди. «Жарқўрғон» маҳалласидаги автобус бекатида жорий йилнинг 19 феврал куни Тошкент вилоятида яшовчи 1969 йилда туғилган фуқаро А.Тошхўжаев ярамас варақаларни тарқатаётган вақтида «Жарқўрғон» маҳалласи посбони Л.Лобутин томонидан қўлга олинди. Умуман маҳалла посбонлари иштирокида 2001 йилда 1143 та ҳуқуқбузарликлар олди олиниб, 571 та жиноятлар очилган, 4327 та ҳар хил ҳуқуқбузарликлар бўйича хабарлар олиниб, ҳуқуқбузарлар аниқланди.

Мен шу ўринда жамоатчилик уюшмалари билан боғлиқ бўлган яна бир долзарб масала борасида тўхталиб ўтмоқчиман, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида яраштириш комиссияларининг тузилганлигидир.

Уларнинг зиммасига асосан нотинч оилалардаги келишмовчиликларни бартараф қилиш, ўз ваколатлари доирасида мол-мулк билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш киради. Ҳақиқатан ҳам оила, турмуш билан боғлиқ кундалик ҳаётимизда учрайдиган айрим муаммоларни тўғридан-тўғри суд, прокуратура ёки милиция идораларига мурожаат қилмасдан биринчи навбатда маҳалланинг ўзида оқилона кўриб чиқилиб, шу ернинг ўзида чора-тадбирлар кўриш вазифалари юкланган. Улар ҳам ўз олдиларидаги ана шу вазифаларни сидқидилдан амалга ошириб келмоқдалар. Бу ишларнинг янада самаралироқ амалга оширилишини таъминлашда Тошкент шаҳар ИИББ Профилактика бошқармасининг масъул ходимлари томонидан маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари сардорларининг яраштириш комиссиялари аъзолари билан биргаликда тематик ўқув машғулотлари ва учрашувлар ўтказилиб, улар олдида турган муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдириб келинмоқда. Шунингдек, маҳаллаларда осойишталикни таъминлаш, жиноят содир этишнинг олдини олиш борасида алоҳида ўрнак кўрсатган 227 нафар «Маҳалла посбонлари» рағбатлантирилди, 248 нафарига ички ишлар идораларида хизмат қилиш ва ўқиш учун йўлланмалар берилди. Буларнинг барчаси халқимиз осойишталиги йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз самарасидир.

Анвар ИБОДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси инспектори, милиция капитани.

ИШЧАНЛИК МУҲИТИ

уни мустаҳкам қарор топтириш осонмас

Икки йил олдин тармоқ касаба уюшмасининг анжуманида келгусида бажариладиган ишлар кўлами белгилаб олинганди. Хўш, у қандай бажарилди? Тармоқ ходимлари ўзларининг анжуманларига қандай ютуқлар билан келишди? Йўл-йўлакай учраган муаммолар ўз вақтида ечимини топдими? Темир йўл транспорти бошқарувининг қайта шаклланиш ва янгиланиш жараёнларида касаба уюшмаларининг роли қандай бўлаётир?

Янги Учқудуқ-Мискин-Нукус йўналишида поездлар қатновининг йўлга қўйилиши темирйўлчиларнинг катта ютуғи бўлди. Бу ерда табиий қийин, чўл ва саҳро шароитида қурилиш ишлари ниҳояланмоқда. Марказий қўмита ҳам янги йўл қурувчиларига астойдил кўмак бериб келаётир.

Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институти курсида, 70 нафар янги сайланган касаба уюшма қўмитаси раиси, қисқа муддатли курсларда 35 нафар касаба уюшма ҳисобчиси ва 60 нафар тафтиш ҳайъати раиси ўз малакаларини оширдилар.

Тармоқ Битимида йилдан-йилга меҳнаткашларга берилаётган ижтимоий имтиёзларнинг камайиб кетаётганлиги, бу иш берувчи билан ишчилар манфаати ҳамоҳанг бўлиши кераклиги эътибордан четда қолаётганлиги оқибатидир.

Жамоа шартномалари бажарилишида транспорт қурилиши ва Тошкент метрополитени корхоналарида талай муаммолар мавжуд. «Ўзбектрансқурилиш» Давлат ассоциацияси корхоналаридаги иқтисодий, молиявий, техникавий аҳвол талабга жавоб бермайди. Айниқса, «Самарқандқурилиш» трестидаги вазият мураккаб. Сабаби, Самарқанд транспорт қурилиш, кўприк қурилиш, метроқурилиш корхоналари ишчилари маошларини ўз вақтида олишолмаяпти.

Ўтган даврда Тошкент, Бухоро, Қарши дирекцияларида, «Ўзтемирйўловчи», «Ўзбектрансқурилиш» ҳамда Тошкент ва Ховос электр таъминоти, Бухоро йўл масофаси каби корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунларининг бузилишига йўл қўйилди. Хатоликлар эса иш берувчиларнинг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслигидан далолат беради. Бундай аҳвол

Сарҳисоб

касаба уюшмалари бепарволиги оқибатида ҳам юз бергани ачинарлидир.

Темирйўл тармоғида ҳам, транспорт қурилиши корхоналарида ҳам меҳнатга ҳақ тўлашда жиддий муаммолар бор. Иш ҳақини оширишдек муҳим масалада ҳали кўп иш қилиш керак. Бунга эса хўжаликларда катта миқдордаги дебиторлик қарзлари тўсиқ бўлмоқда.

Тармоқларда, айниқса, темирйўлдаги бўлиб ўтган ва давом этаётган тузилмавий ўзгаришлар натижасида касаба уюшма қўмиталари ҳисоб рақамларига аъзолик бадалларининг келиб тушиши қийинлашмоқда. Бу эса ўз навбатида олдиндан режалаштирилган касаба уюшма фаолияти билан боғлиқ тадбирларни кўнгилдагидек ўтказиш имконини бермаётир. Корхона ва ташкилотлар бу муаммони қуйи молия бўлимлари билан биргаликда тез орада ҳал этишлари лозим бўлади.

Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва меҳнат муҳофазасига ҳам эътибор суст. Мисол учун темир йўл компаниясида меҳнат муҳофазаси ва ҳаракат хавфсизлиги тадбирларига ўтган йилда 460 миллион сўмлик маблағ режалаштирилганига қарамай унинг бор-йўғи 37 фоизигина ўзлаштирилган, холос.

Андижон локомотив депоси касаба уюшма қўмитаси раиси Тиловолдиев, ҳудудий марказлар ўзлари ишлаб топган маблағнинг бир қисми шу ерда қолдирилса, деган таклиф билан чиқди. Чунки зарур ҳолларда ишчиларга тегишли ёрдам бериш имконияти яратиларди... Жорий йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан уларга кўмир ёқилғиси 75 фоизли имтиёзли нархда бериш таклифи ҳам ўртага ташланди.

Фарғона ҳудудий маркази бўлими бошлиғи В.Авакян шу йилнинг 1 сентябридан дирекцияларида ҳисоб рақамлари ёпилгач, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси фақат қоғоздагина бўлаётганидан куюниб гапирди. Темирйўлга қарашли бирлашган касаба уюшмаларининг қайси иш берувчи билан шартнома тузишлари масаласи эса 2002 йилнинг 1 чорагидагина ҳал этилар экан. Ахир, одамлар ишлаяптику! Наҳотки, бу муаммони тезда кўриб чиқиб ҳал этиш мумкин бўлмаса?!

Хуллас, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси навбатдаги анжуманида тармоқдаги мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, муаммолар ечимига йўл топиш юзасидан аниқ фикр-мулоҳазалар, истак ва таклифлар билдирилди, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ортиқ САИДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон ҳамда Германия давлатлари мутахассислари ҳамкорлигида бунёд этилган Чирчиқдаги «Кибо» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бежиримлиги ҳамда замонавийлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда.

Суратда: корхонанинг илғор ишчиси Гули Шерназарова.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури босқичма-босқич амалга оширилди. Ўтган йил давомида 46 та академик лицей, 260 та касб-ҳунар коллежи ўз фаолиятини бошлади. Мазкур ўқув муассасалари 204 минг нафардан зиёд ўғил-қизларимизни ўз бағрига олди.

ЮТУҚЛАР ЎЗИМИЗНИКИ, КАМЧИЛИКЛАР-ЧИ?

Тармоқ марказий касаба уюшма қўмитаси республика Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази билан ҳамкорликда бир қатор ишларни амалга оширди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмиталари миқёсида 31 та, туман ва шаҳарлар бўйича 214 та битимлар тузилди. Тузилган барча битим ва жамоа шартномаларида оналар ва болаларга ғамхўрлик масаласига алоҳида ўрин берилди. Тармоқда меҳнат қилаётган аёллар, қариялар, ўқувчи ҳамда талабаларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун етарлича шарт-шароитлар яратиб бериш, оналар ва болаларнинг санаторий ҳамда ёзги болалар оромгоҳларида соғломлаштириб, дам олишларини ташкил этиш каби масалалар диққат марказидан қочирилмади. Далилларга мурожаат этайлик: 22 минг нафарга яқин аёлга тегишли иш шароитлари яратилди. Мактаб ёшигача болалари бўлган кўп болали оналарга ҳам қатор имтиёзлар берилди. 37241 нафар онанинг иш ҳақи сақланган ҳолда хизмат соатлари қисқартирилди. Корхона, ташкилот ҳамда муассасалар ҳисобидан 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган 13700 нафар онага мод-

дий ёрдам кўрсатилди. Кўп болали, боқувчисини йўқотган ёлғиз оналар фарзандлари имтиёзли ва бепул овқатлантирилди. Бунинг учун 27,5 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ногирон фарзандлари бўлган 6 мингдан зиёд оила аниқланиб, уларга касаба уюшма ташкилотлари томонидан 3,5 миллион сўмликдан зиёд моддий мадад кўрсатилди. 24853 та кўп болали оила ҳам 9 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдамдан баҳраманд бўлди. Меҳнаткашларни ўқиш ҳамда дам олиш ҳуқуқларини ҳимоялаш, ўқиш ва иш жойларида меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганини таъкидлаш лозим. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳамда уларнинг тасарруфидаги айрим туман ҳамда шаҳар тармоқ қўмиталари «Оналар ва болалар йили» тадбирларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйдилар. Марказий қўмита томонидан берилган тавсия ҳамда йўл-йўриқларга қарамай, кўпчилик туман ҳамда шаҳар касаба уюшма қўмиталари ўз тасарруфларидаги бошланғич ташкилотларнинг тадбирлар режасини аниқ, пухта бажарилишини етарли даражада назорат қилмадилар. Қашқадарё, Тошкент ҳамда Сирдарё вилоятларида кўп болали ва боқувчисини йўқотган ёлғиз оналар фарзандларини бепул ёки имтиёзли овқатлантириш масаласига совуққонлик билан қаралди. Фарғона, Жиззах вилоятларида эса тармоқда фаолият кўрсатувчи аёллар учун ҳомиладорликнинг 5-ойидан бошлаб таътил бериш татбиқ этилмади. Республикамиз бўйича 9,5 мингдан зиёд умумтаълим мактабларида билим олаётган 6 миллион нафарга яқин ўқувчиларнинг ҳаммасига ҳам ёзги таътил вақтида етарли даражада дам олиш шароити яратилди, деб бўлмайди. Ўтган йили фақатгина 50 мингга яқин ўқувчи касаба уюшма ташкилотлари томонидан дам олдирилганлиги ҳам яхши натижа эмас. Таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган аёллар учун дам олиш, гигиена хоналари ажратиш юзасидан жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари иш берувчилар олдига жиддий талаблар қўймаяптилар.

Тармоқ касаба уюшма қўмиталари фаолиятида меҳнат техник назоратини кучайтириш ишларида ҳам айрим камчиликларга йўл қўйилди. Наманган, Фарғона вилоят касаба уюшма қўмиталари томонидан умумтаълим мактабларида ишлаётган ходимларга меҳнат техник назорати бўйича тушунтириш ишлари яхши олиб борилмаганлиги натижасида ходимлар орасида ўлим билан тугаган нохуш воқеалар рўй берди.

Жиззах, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида ҳам Меҳнат кодекси талабларининг бузилиш ҳолатлари кузатилди. Шу боисдан ҳам вилоят қўмиталари ҳуқуқ ҳамда Меҳнат кодекси бўйича меҳнаткашлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришлари зарур.

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси пленумида юқоридаги каби долзарб масалалар ишчанлик вазиятида муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

ижтимоий ҳимоянинг муҳим омили

Жойларда тузилган жамоа шартномаларининг амал қилиш муддати тугаётганлиги муносабати билан уларни янгитдан қабул қилишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Жиззах вилоят ёқилғи-энергетика, геология, кимё саноати ходимлари касаба уюшмалари қўмиталари раислари Кенгаши томонидан ташкил этилган амалий семинар-кенгаш унинг иштирокчилари бўлган кадрлар бўлими, юрист, иқтисодчилар, бошланғич касаба уюшма қўмиталари раҳбарлари учун фойдали бўлди.

Йиғилганлар раҳбар ва мутахассисларнинг ҳаётий, жонли мисоллар билан меҳнат қонунчилиги тўғрисидаги чиқишларидан атрофлича тушунчага эга бўлдилар.

— Муайян меҳнат шартномаси қайси ҳолларда тузилади?

— Сиртдан ўқийдиган талаба қандай имтиёзлардан фойдаланаяпти?

— Меҳнат таътили ходимнинг аризасига асосан берилиши тўғрими?

— 14 ёшгача боласи бор онани хизмат сафари ёки ўқишга юбориш мумкинми?

— Жамоа шартномаларида қандай имтиёзлар ўз аксини топиши керак?

Шу каби ўнлаб саволларга семинар-кенгаш иштирокчилари тўла жавоб олдилар.

Жамоа шартномалари ишловчиларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим омилидир. Вилоят тармоқ касаба уюшмаси тизимида 2635 нафар ходим меҳнат қилади. 6 та ташкилотни ўз сафида бирлаштирган касаба уюшмаси жамоа шартномаларини тузишда корхоналар моддий имкониятларидан келиб чиқиб, янги бандлар киритмоқда. Бунга мисол қилиб вилоят электр тармоқлари идорасини олайлик. Корхонада 1100 нафар киши меҳнат қилади. Ўтган йил давомида жамоа шартномаси бандларида кўзда тутилган ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш мақсадлари учун корхона ўз маблағи ҳисобидан 166 миллион 650 минг сўм маблағ ажратди. Бу — ҳар бир ишловчига йил давомида 151,5 минг сўм сарфланди, демакдир.

Тармоқда ишлаб пенсияга кузатилган 68 нафар нафақахўрга корхоналар ҳисобидан 12 минг сўмгача қўшимча пенсия пули берилмоқда.

— Маъмурият раҳбари билан касаба уюшма қўмитаси келишуви — яъни, ижтимоий шерикчилик вилоят тармоқ қўмитасида кенг ривож топаётгани қувонарли, - дейди тармоқ Марказий қўмитаси масъул ходими А.Маматов. - Бунда корхоналарнинг ички имкониятларидан келиб чиқилаётганлиги янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

САЛОМАТЛИК УЧУН МАБЛАҒ АЯЛМАЯПТИ

Ишчи-хизматчиларимиз ўтган йил ҳосилини қайта ишлашни тобора жадаллаштирмоқдалар. 500 нафар касаба уюшма аъзоси ишни 3 сменада олиб боряпти.

Корхонада тайёрланаётган пахта толасига хорижлик мижозларнинг қизиқиши кун сайин ортмоқда. Ҳозирнинг ўзида тайёр маҳсулот Жанубий Корея, Италия, Швейцария, Англия каби мамлакатларга пешма-пеш жўнатилмоқда. Фақат кейинги бир ойда хорижга юборилган тола салмоғи 1,8 минг тоннани ташкил этди.

Баҳодир Рамазонов, Раззоқ Аминов, Ашур Файзуллаев, Олия Ҳотамова сингари ишлаб чиқариш илғорлари меҳнатлари рағбат топаётганидан беҳад мамнунлар. Жамоа аъзоларини соғломлаштириш, ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси учун ҳар ойда камида 1,8-2 миллион сўмлик маблағ сарфланаётир. Яқинда Ибн Сино хусусий дорихонаси билан 500 минг сўмлик дори-дармон етказиб бериш юзасидан шартнома имзоланди. Тез орада ишловчи аёллардан ташкил топган 100 чоғли гуруҳ мамлакатимиз шаҳарлари бўйлаб туристик саёҳатга ҳам чиқиши мўлжалланаётир.

Ўтган йилнинг 9 ойида даволаш ишлари учун 3 миллион сўмлик маблағ сарфлангани ҳам инсон ва унинг унумли, баракали меҳнат қилиши учун ғамхўрлик қилинаётганлигидан далолат беради.

Ориф БАФОЕВ,
Ромитан туманидаги «Оқ олтин» пахта тозалаш корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси.

Сурхондарё вилоят Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раҳбарияти Янги йил байрами муносабати билан Шўрчи туманида жойлашган 68-Ақли заифлар ҳамда 122-Карлар ўқиётган мактабларнинг 429 нафар ўқувчисига кийим-кечак туҳфа қилди.

БАҒРИ КЕНГ КИШИЛАР

— Мактабимизнинг 224 нафар ўқувчисига вилоят тармоқ қўмитаси ҳар байрамда совға-салом улашади. Буни биз болаларга бўлган ҳақиқий ғамхўрлик деб, тушунамиз. Уларга кўрсатилаётган беминнат ёрдам учун чин юракдан раҳмат айтамиз, — дейди 68-махсус мактаб директори Қилич Ҳамроев.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Меҳнат муҳофазаси

2000-2001 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаларини муҳокама қилиш даврида Андижон вилояти металлургия ва машинасозлик саноати корхоналарида меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор берилган, ишчи-ходимлар лойиҳага қўшимча равишда жами 49 та таклиф киритган эдилар. Шунга биноан вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси тузган тадбирлар режасида ҳам меҳнат муҳофазаси масаласига кенг ўрин берилди. Қўмита мутахассис ва фаоллари вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ёрдамида тадбирлар режасини ҳаётга татбиқ этишда тарғиботнинг турли шакл ва усулларидан фойдаланмоқдалар.

ОГОҲЛАНТИРУВЧИ КЎРГАЗМА НАФИ

Бу усуллар ичида «Қулай ва хавфсиз меҳнат учун» кўрик-танлови алоҳида аҳамият касб этади. Танлов техника хавфсизлиги ҳамда ишчи-ходимларнинг бу соҳадаги малакасини ошириш бўйича анчайин камчиликларни бартараф этишга ёрдам берди. Пайсалга солинаётган бир қанча ишлар амалга ошди. Масалан, «ЎзДЭУ-авто» қўшма корхонасида тузилган жамоа шартномасида меҳнат муҳофазаси билан бевосита боғлиқ 196 банддан иборат тадбирлар режаси тузилган эди. Режада кўрсатилган тадбирларнинг ҳаммаси бажарилди. Қўшма корхона маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти бу ишга жами 72 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфладилар. Марҳамат электротехника ҳиссадорлик жамиятида ҳам техника хавфсизлиги бўйича шартнома талаблари тўла бажарилди. Натижада ўтган йилда мазкур корхона бўйича атиги битта енгил шикастланиш ҳолати рўй берди, холос.

Меҳнат муҳофазаси бўйича кадрларни меъёрий ҳужжатлар ва қонун-қоидалардаги янгликлар билан хабардор этиб бориш — ишлаб чиқаришда бешикаст меҳнатни таъминлашда қарийб ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тармоқ касаба уюшма қўмитаси ҳар бир корхонада мутасадди ходимлар ва ишчилар учун махсус ўқув ташкил этди. Айни пайтда уларни синовдан ҳам ўтказди. Бу иш юқори малакали мутахассислардан иборат доимий ҳаракатдаги комиссия ёрдамида амалга оширилди. Андижон механика, Асака прицеплар корхоналарида, «Анзис» ва бошқа бирнеча ҳиссадорлик жамиятларида 24 соатли ўқувлар, айниқса, самарали ўтди.

Жойлардаги касаба уюшма ташкилотларининг меҳнат муҳофазасини бевосита ўз қўлларига олганликлари ва бу серқирра иш билан мунтазам шуғулланиб келганликлари ҳам ижобий натижалар бераётир. Касаба уюшма қўмиталари бу масалани ўз йиғинларида тез-тез муҳокама қилиб, раҳбар ходимларнинг ҳисоботларини тинглашмоқда, шартнома моддалари бўйича улар олдига қатъий талаблар қўйишмоқда. «Тож-Метал» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма ташкилоти ўз йиғилишларидан бирида «Зарарли иш шароитида ишловчи ходимларни махсус иш кийими ва озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамда қисқартирилган иш вақти тўғрисида»ги масалани муҳокамага қўяркан, бу тўғрида корхона раҳбарининг ўринбосари И.Ҳасановнинг ҳисоботи тингланди. «Хавфсиз иш шароитини яратиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича қўрилган ана шу чора-тадбирлар туфайли тармоқда ишлаб чиқариш билан боғлиқ шикастланишлар сони тобора камайиб бораётир. Масалан, 1999 йилда 25 та, 2000 йилда 8 та, 2001 йилда эса 6 та бахтсиз ҳодиса юз бергани қайд этилди. Шунга кўра меҳнатга лаёқатсиз кунлар сонида ҳам кескин камайиш кўзга ташланмоқда.

— Бу соҳада ижобий натижаларга эришаётганимиз сабабларидан бири — меҳнат муҳофазаси учун йил сайин кўп маблағ ажратилаётганида, деб биламан, — дейди тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳромжон Қурбонов, — 2000 йилда вилоят бўйича бу ишга 115 ярим миллион сўм сарфланган бўлса, ўтган йилда 129 миллион сўм ажратилди. Бу — ҳар бир ишловчи ҳисобига 12 минг сўмдан пул ўтказилди, деган гапдир.

Вилоят тармоқ қўмитаси раиси жорий йил иш режалари ҳақида сўзларкан, меҳнат муҳофазаси бўйича ҳали анча-мунча камчиликлар борлигини ҳам яширмади. Чунончи, Андижон иккиламчи қора металлар корхонасида «Саноатконназорат» агентлиги вакиллари кўригидан ўтказилмаган юк кўтариш кранидан бир нечадан йил буён фойдаланиб келинмоқда. Электр асбобларидан қоидага хилоф равишда фойдаланаётган, ишчилари коржома билан тўла таъминланмаган, меҳнат муҳофазасига доир масалаларни ҳал қилишда ҳамон эски йўриқномаларга асосланиб келаётган корхоналар ҳам йўқ эмас.

Бу нуқсонлар тармоқ касаба уюшма фаолларининг амалдаги йилда кўпроқ нималарга эътибор беришлари кераклигини кўрсатиб турибди. Меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган меъёр ва қоидаларга амал қилиш ҳар бир меҳнат жамоасида одат тусига киргандагина, ҳар қандай нуқсоннинг олдини олиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам иш берувчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича амалдаги қоида ва меъёрларга риоя қилишлари устидан қатъий назорат ўрнатиш керак. Шу билан бир қаторда, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари ва усулларни ифодаловчи, огоҳлантирувчи кўргазмали воситалардан ҳам кўпроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ кўринади.

М.АБДУКАРИМОВ.

Юртимизнинг энг яхши сиҳатгоҳлари

«ҲИЛОЛ» ЧОРЛАЙДИ

Ушбу сиҳатгоҳ Урганч шаҳрининг энг хушманзара ерида жойлашган. Юз ўринга мўлжалланган бу шифо масканининг ўзига хос хусусиятлари бор. Аввало энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Шифокорлар юқори малакали, ширинсўз.

— Ўн йиллар чамаси дард билан олишиб қийналдим, - дея ҳикоя қилади «Беруний» ширкат хўжалиги аъзоси Йўлдош ота Отажонов. - Лекин «Ҳилол»да мушкулим осон бўлди. Она заминнинг тўққиз метр чуқурликдаги бағридан тортиб олинаётган бром ва йодга тўйинган шифобахш сув кўпгина касалликларга даво бўляпти. Шунингдек, парафин, электр токи ёрдамида даволашнинг турли усулларидан унумли фойдаланилмоқда. Беморларга гиёҳлардан ҳар хил малҳамлар тайёрлаб берилади. Игна билан даволашнинг афзалликларини яхши ҳис қилдим. Дарддан халос бўлиб, оиламга, қадрдон жамоамга аъло кайфият билан қайтмоқдаман.

Сиҳатгоҳда йилига ўрта ҳисобда 1,5 минг киши даволаниб, дам олмоқда. Бу ерга Бухоро вилояти, Қорақалпоғистон Республикасидан ҳам келувчилар кўпаймоқда. Дам олувчиларга қулайлик яратиш, ободончилик ишлари изчил давом этяпти. «Урганчтрансгаз» шуъба корхонаси ёрдами билан оилавий дам олувчиларга мўлжалланган 6 та коттеж, замонавий ошхона, муолажа хоналари замонавий андозаларга мос ҳолда қайта қўлдан чиқарилди. Эътиборлиси шуки, ёз ойларида «Ҳилол» ёнгинасидаги «Боғи Эрам» болалар оромгоҳи ҳам гавжум бўлади. Ўтган йили 800 нафар ўқувчи кўнгилли дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлади. Бу шифо масканига келсангиз, саломатлик йўлида кўп яхши иш қилган бўласиз.

Э.ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ХОДИМГА ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ЧОРАСИ

Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: ***1. Юридик маслаҳатчининг меҳнат вазифасига нималар киради?***

2. Ходимларга интизомий жазо чоралари қандай ҳолларда қўлланилиши мумкин?

3. Ўриндошлик асосида ишлаш тартиби ҳақида тушунча бersангиз.

4. Иш ҳақи сақланмайдиган таътил кимларга берилади?

Илҳом АБДУРАҲИМОВ,
«Шўртаннефтгаз» мажмуи юридик маслаҳатчиси.

ЖАВОБ: 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1992 йил 8 январдаги Фармонига мувофиқ ва давлат бошқарув органлари ҳамда корхоналардаги юридик хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва бурчларини тартибга солиш, қонунийликнинг таъминланишида уларнинг роли ва масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сон қарори билан «Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналарида юридик хизмат тўғрисидаги низом» тасдиқланди. Бу қарор ва Низомнинг бажарилиши ҳар бир корхона ва муассасанинг иш берувчилари ҳамда юридик хизмат ходимлари учун мажбурийдир.

Бошқарув органлари ва корхоналарнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича юридик маслаҳатчиларнинг самарали ишларини ташкил қилиш, уларнинг фаолиятида қонунчиликни таъминлаш мақсадида бу органлар ва корхоналар юридик хизматларининг бир маромда ишлаши учун шароитлар яратиши зарур. Адлия вазирлиги юридик хизматларни қонунчилик материаллари, тўпламлар, ҳуқуқшунослик масалалари, шунингдек, юридик адабиётлар билан шартнома асосида таъминлайди.

Корхоналарнинг юридик маслаҳатчилари корхонадаги бошқа бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг идоравий норматив ҳужжатларини тартибга солиш ишларини олиб боради, корхона раҳбарига имзолаш учун тақдим қилинаётган буйруқлар, ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини текширади ва уларга ўз (виза) имзосини қўяди.

Агар корхонанинг ҳуқуқий актларининг амалдаги қонунларга мувофиқлиги тўғрисидаги юридик (хизматнинг) маслаҳатчининг (виза) имзоси бўлмаса, уларнинг чиқарилишига (амалга киритилишига) йўл қўйилмайди. Мабодо, бундай ҳуқуқий актлар амалга киритилса ва бунинг натижасида корхонага ёки фуқароларга зарар келтирилса ёки бошқа оқибатлар келиб чиқса, ҳуқуқий актга имзо чеккан мансабдор шахс жавобгар бўлади.

Юридик маслаҳатчи корхонада қонунчиликка тўлиқ амал қилинишини таъминлаш мақсадида юридик умумий ўқувни ташкил қилади, ходимларни амалдаги қонунлар билан таништиради ва уларни қўллаш тажрибасини тушунтиради. Агарда корхона фаолиятида қонунчиликни бузиш ҳоллари аниқланса, бу ҳақда уларни бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўриш учун ёзма равишда корхона раҳбарини хабардор қилади.

Юридик маслаҳатчининг меҳнат вазифасига бошқа корхоналар билан хўжалик шартномалари, шунингдек, чет эл компаниялари ва фирмалари билан контрактлар тайёрлаш, тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилишга оид ишларда қатнашиш, шартномалар ва контрактлар лойиҳаларига (виза қўйиш) имзо чекиш ҳам киради.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасига асосан хўжалик шартномаларининг қиймати Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг икки юз баробаридан кўп бўлганда, албатта, юридик маслаҳатчининг ёзма ҳуқуқий хулосаси олиниши шарт.

Агарда Қонуннинг бу талаби бажарилмаса, хўжалик шартномаси раҳбар томонидан имзоланса ва натижада корхонага зарар келтирилса ёки текширув органлари томонидан булар аниқланса, юридик маслаҳатчига ҳеч қандай жазо чоралари қўлланилишига йўл қўйилмайди, келиб чиққан низолар меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан кўриб чиқилади.

2. Энди ходимларга интизомий жазо чораларини қўллаш тартибига келсак, бу масала Меҳнат кодексининг 181-, 182-моддаларида кўрсатиб ўтилган. Бу ҳақда газетанинг олдинги сонларида батафсил тушунтиришлар берилган.

Кўрсатиб ўтилган Қонун моддаларининг асосий талаби: меҳнат интизомини бузганлиги учун ходимга фақат Қонунда белгиланган интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимдан тушунтириш хати олиш, ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўллаш, хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан бир ойлик муддатни ўтказмасдан жазони қўллаш, умуман, олти ой ўтганидан, молия хўжалик фаолияти текширилганда, камчилик аниқланган кундан бошлаб икки йил ўтгандан кейин жазони қўлламасликдир.

Қонунда иш берувчи ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун иш берувчи ходимнинг намунали хизматларини ҳисобга олиб, унга ҳеч қандай жазо чораси қўлламаслиги ҳам мумкин.

Энди йил давомида ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун неча марта «ҳайфсан» эълон қилиниши мумкинлиги масаласига келсак, Қонунда унинг сони кўрсатилган эмас. Шунинг учун иш берувчи меҳнат интизомини бузган ходимга ҳар сафар «ҳайфсан» эълон қилиши ёки жарима солиши мумкин, бу иш берувчига берилган ҳуқуқ.

3. Амалдаги Қонунга асосан ўриндошлик асосида бошқа корхонага ишга кирувчи ходим иш берувчига паспортини ва асосий иш жойидан маълумотномани тақдим этиши шарт. Бу маълумотнома ўриндошлик асосида ишлашга рухсат бериш тусида бўлмайди. Шунинг учун ходимнинг асосий иш жойидан маълумотнома олишида асосий иш жойидаги иш берувчи томонидан ҳеч қандай тўсқинлик бўлиши мумкин эмас.

Ўриндошлик сифатида ишлаш бу ходим томонидан асосий ишидан бўш вақтларда меҳнат шартномаси шартларига кўра ўзининг асосий ишидан бошқа мунтазам ҳақ тўланадиган ишни бажариши тушунилади. Улар бир кунда тўрт соатдан кўп бўлмаган ёки асосий жойи бўйича дам олиш кунида тўлиқ иш кунидан ортиқ бўлмаган ишга жалб қилиниши мумкин ва Меҳнат кодексининг 133-моддасига асосан меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

4. Меҳнат кодексининг 150-моддасига асосан ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин. Унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бу таътилнинг берилиши ёки берилмаслиги иш берувчига берилган ҳуқуқ ҳисобланади. Агар ходимда узрли сабабларни тасдиқловчи ҳужжатлар (тиббий хулоса, телеграмма ва бошқалар) бўлган тақдирда иш берувчи ходимга бундай таътилни бериши зарур.

Қилмиш-қидирмиш

СОХТА ЧИПТАФУРУШЛАР

Пойтахтимиздаги марказий темир йўл шоҳбекати «Халқаро йўналишлар кассаси» зали одатдагидай йўловчилар билан гавжум. Айниқса, Россия шаҳарларига борувчиларнинг кети узилмас, кассада эса ҳар доим ҳам чипта бўлавермасди. Мана шундай ҳолатлар баъзи бир «учар»ларга қўл келди.

Кунлардан бирида фуқаро М.Тўлаганова «Тошкент-Москва» йўналишидаги поездга чипта тополмай роса хуноб бўлиб турганида, ёнига Абдуғаффор ва Юсуф келиб:

— Э, опажон хафароқ кўринасиз, бирор ёрдам керакми? Биз шу ернинг «одам»ларимиз. Қўлимиздан кўп иш келади, - дейишди. Бундай «ҳолис хизматчи»ларга рўбарў келганидан аёл хурсанд бўлиб, чипта зарурлигини айтди.

— Саратовгача чипта нақд. Нархини келишсак бўлди,— деди Абдуғаффор.

— Майли, ишим жуда зарур, фақат тезлаштириб бersангиз...

«Мижоз»ни ўз қармоғига илинтирган икки йигит унинг паспортини олиб, «Наврўз» кафесида учрашишга келишишди. Шундан сўнг ҳамтовоқлар Юнусободда яшовчи Ольга Зайцеванинг хонадонига ташриф буюришади. Бир пайтлар Ольганинг марҳум турмуш ўртоғи ҳужжатларни қалбакилаштиришда устаси фаранг бўлганлиги уларга аён эди. Шунинг учун ҳам улар бева аёлдан эрининг «касби»ни давом эттирса, яхшигина моддий манфаатдор бўлишлигини уқтиришди. Пулга ўч Ольга бу таклифга рози бўлди.

У Самарқандга олинган 794409-рақамли 1650 сўмлик чипта нархини 31650 сўм, манзилини эса Саратов бекатигача қилиб ўзгартиради. Чиптадаги Ю.Аҳмадалиевнинг паспорт рақамини М.Тўлаганованинг № СА 904891 паспорт рақамига қалбакилаштирадида, хизмат ҳақини қурдек санаб олади. Йигитлар Ольга билан доимий ҳамкорлик қилишга аҳдлашиб, «Наврўз» кафесига келиб, М.Тўлагановага 55 минг сўм эвазига чиптани тутқазишди...

«Ов»лари юриша бошлаган пойтахтлик Абдуғаффор Юлдашев, фарғоналик Раҳматжон Кетманов, андижонлик Юсуф Аҳмадалиевлар кайфияти чоғ эди.

Орадан кўп ўтмай навбатдаги «мижоз»га рўбарў бўлишди. «Тошкент-Москва» йўналиши бўйича қатнайдиган поездга чипта ололмай юрган Т.Тарамоновга «ёрдам қўли»ни чўзишди. Унга учта чипта зарур эди. Сохта ҳужжатбарорлар яна Ольганинг ҳузурида ҳозир бўлишди. Бу гал ҳам улар «хамирдан қил суғургандек» учта чипта ясашди. Абдуғаффор бошчилигидаги гуруҳ келишилган жойга бориб, қалбаки чипталарни 175 минг сўмга пуллашди.

Тезроқ манзилига етиб олиш илинжида йўлга чиққан Т.Тарамонов ва унинг қариндошлари чиптада кўрсатилган жойларга эга бўлишолмай чув тушиб қолишаверди. Шундан сўнг улар милиция бўлимига мурожаат қилишди.

...«Ошиғи олчи» бўлаётган қаллобларнинг жиноий иши тегишли орган ходимлари томонидан фош этилди. Ажабланарлиси шуки, фуқаролардан И.Службина, И.Махсумов, И.Мақсудова, Ш.Абдулфаттоева, А.Селиванов учарлар гапига лаққа тушиб, катта маблағдан айрилишган. Бундан ташқари, ўнлаб юртимиз меҳмонлари ҳам уларнинг тузоғига илинишгани тергов давомида аниқланди.

Қилмиш қидирмиш дейдилар. А.Юлдашев, Р.Кетманов, Ю.Аҳмадалиев ва О.Зайцевалар тегишли жазони олишди.

Холмамат МЎЙДИНОВ,
истеъфодаги милиция сержанти.

Қашқадарё телеижодкорлари янги йилга муносиб совға олдилар. Вилоят телевидениеси бош биноси - телемарказ ишга тушди. Тўрт қаватли, салобатли ва кўркам, ўзига хос меъморчилик услубида қурилган бинода журналистлар ва инженер-техник ходимларнинг ижодий меҳнати учун барча шарт-шароит яратилган.

ТЕЛЕМАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Телекўрсатувлар илгари ҳафтада бор-йўғи уч соат эфирга чиққан бўлса, бундан буён уларнинг вақти кескин кўпайиб, сифати янада яхшиланадиган бўлди. Қурилиши ўн йил муқаддам бошланиб, чала ётган бу иншоот вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати ва ҳомийлар кўмаги туфайли бир йилга қолмай фойдаланишга топширилди. Бинони «Қашқадарёқурилиш» жамоа корхонаси қурувчилари бунёд этди.

(ЎзА).

КРЕДИТ ОЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

"Асакабанк" акциядорлик тижорат банкининг Жиззах вилоят филиали ўтган йил кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 864 миллион сўмдан кўпроқ кредитлар берди.

- Жорий йилда бу кўрсаткични икки баравар ошириш ниятидамиз, - деди филиал бошқарувчисининг ўринбосари Марат Суннатов. - Чунки ҳар бир мижоз банк олдидаги мажбуриятини ўз вақтида бажараяпти.

Унинг айтишича, ўтган йил банк филиали ўз маблағлари ҳисобидан 124 нафар тадбиркорга 817 миллион 400 минг сўмлик кредитлар берган эди. Натижада ўнлаб янги корхоналар ташкил қилинди, юзлаб кишилар янги иш ўринларига эга бўлди. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан кредитлар берилиш борасида ҳам банк филиали ходимлари бир қанча ишларни амалга оширишди. Масалан, "Асакабанк" билан республика "Бандликка кўмаклашиш" жамғармаси ўртасида тузилган шартномага кўра 15 нафар ишбилармон 30 миллион 900 минг сўмлик имтиёзли кредитлардан баҳраманд бўлди.

- Пул қанчалик тез айланса, шунчалик тез фойда кўриш мумкин,-дея сўзини давом эттирди филиал бошқарувчисининг ўринбосари.- Шу боис мижозларга кўпроқ қисқа муддатли кредитлар беришга ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, ўтган йил 4 та корхонага 8 миллион 200 минг сўм, 39 нафар тадбиркорга 55 миллион 700 минг сўмлик қисқа муддатли кредитлар бердик ва бундан банк филиали ҳам мўмайгина даромад олди.

Шунингдек, у банк филиалининг имтиёзли кредитлар жамғармасида маблағ етарли эканлигини айтди.

- Энг мақбул лойиҳани олиб келган мижознинг талабини зудлик билан қондираяпмиз. Ҳозир ўнлаб янги лойиҳаларни ўрганиб чиқаяпмиз. Насиб этса, уларнинг барчаси ҳадемай маблағ билан таъминланади, - деди сўзининг якунида Марат Суннатов.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

«А — МИНТАҚАСИ»ДА НИМА ГАП?

Огоҳлантиришларга қарамай, Фаластин ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли террорчи гуруҳлар ҳамон ўзларининг нобакор ишларини давом эттирмоқдалар. Хусусан, Урдун дарёсининг ғарбий соҳилидаги Наблус, Рамоллоҳ ва бошқа минтақаларда экстремистлар ўзларини анча эркин ҳис қилмоқдалар. Куни кеча Исроил махсус хизмати ходимлари Хеврон шаҳридаги «А—минтақаси» деб аталган жойда «Ислом жиҳоди» гуруҳи фаолларидан бир неча кишини ҳибсга олди. Уларнинг ёнидан турли «қўлбола» бомбалар топилди.

КАРЗАЙНИНГ ФИКРИ

Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай АҚШнинг ҳарбий-ҳаво операциялари мамлакатда террорчи гуруҳлар бутунлай йўқ қилингунга қадар давом этиши лозим, деган қатъий фикрни билдирди. Шунингдек, у «Толибон» ҳаракатининг раҳбари Муҳаммад Умарни қандай бўлмасин қўлга тушириш кераклигини таъкидлади. Ҳукумат раҳбари ҳаво зарбалари тинч аҳоли вакилларига зиён етказмаслиги учун бор имкониятларни ишга солади, деди.

МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА...

«Чегара билмас репортёрлар» халқаро ташкилотининг маълумотларига қараганда, 2001 йилда 31 нафар журналист ўз вазифасини бажараётган пайтда қурбон бўлган. Яна 110 нафар журналист эса ҳамон қамоқхоналарда ушлаб турилибди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Конго Демократик Республикаси, Куба, Покистон ва Зимбабве энг хавфли мамлакатлар ҳисобланади.

ТЕРРОРЧИ ҚОРА КУРСИДА

«Ал-Қоида» жиноятчи гуруҳининг аъзоси, ўтган йил 11 сентябр фожеаларига даҳлдор деб гумон қилинаётган Закария Мусаъуи устидан суд давом этмоқда. Суд Виржиния штатининг Александрия шаҳрида олиб борилмоқда. Ўтган йил 16 августда ҳибсга олинган 33 яшар Закария асли марокашлик бўлиб, АҚШда маҳаллий учувчилик мактабида таҳсил олган. Унинг айбдор эканлиги қатор гувоҳлар ва ашёвий далиллар билан ўз тасдиғини топмоқда. Суд 27 мартгача унинг устидан ҳукм чиқариши керак. Оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг фикрига қараганда, З.Мусаъуи ўлимга ҳукм этилиши мумкин.

«РИО ГУРУҲИ» ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Лотин Америкасининг бир неча давлатларини ўзида бирлаштирган «Рио гуруҳи» деб аталадиган ташкилот Аргентина халқини сиёсий ва иқтисодий инқироздан чиқишида қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Хусусан, ушбу гуруҳ аъзоларидан — Чили, Колумбия ва Коста-Рика Аргентинада иқтисодий таназзул ҳукм сураётган пайтда улар билан бирга эканликларини таъкидлаб, бирдамлик ҳақида баёнот эълон қилдилар.

ҚУТУРГАН СЕЛ ҚУРБОНЛАРИ

Мана, бир неча кундирки, Бразилиянинг кўпгина шаҳарларида тинмай ёмғир ёғмоқда. Бундай табиий офат мамлакат иқтисодиётига ҳамда одамлар ҳаётига катта хавф солмоқда. Жумладан, Рио-де-Жанейро шаҳрида 70 нафар фуқаро қутурган селлар қурбони бўлди. Синоптикларнинг тахмин қилишларича, январ ойининг ўрталаригача ёмғир тўхтамайди.

КОНДА ПОРТЛАШ

Яқинда Хитойнинг Цзянси вилоятидаги мушак қазиб олинадиган конда портлаш юз берган эди. Хабарларга қараганда, айни пайтгача қутқарувчилар вайроналиклар остидан 34 кишининг жасадини топган. Тахминга кўра, портлаш натижасида жами 140 киши дунёдан бевақт кўз юмган бўлиши мумкин.

«Интернет» ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

АРЗОНЧИЛИК ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Жиззах вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармаси мутахассислари Пахтакор туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда ҳукуматимизнинг ўтган йил 11 ноябрдаги "Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорини бажариш мақсадида рейдлар ўтказди.

Қўшма рейдлар мобайнида қонун-қоидага зид равишда савдо қилаётган кишилар аниқланди. Масалан, Пахтакор деҳқон бозорида фуқаро Р.Ханаева 12 килограмм ўсимлик ёғини ноқонуний сотаётганда қўлга тушди. Солиқчилар фуқаро Т.Шералиевни ҳам шу алфозда тўхтатишди. Қоидабузарга қонун талаби тушунтирилиб унга тегишли бўлган ўсимлик ёғи мусодара қилинди.

- Айрим кишилар осон пул топиш ниятида шу ишга қўл уришмоқда, - дейди туман солиқ инспекцияси бошлиғи Жаҳонгир Жингилбоев. – Ҳукумат қарори бўйича жисмоний шахсларнинг бозорда шакар, ўсимлик ёғи, ун сотиши мумкин эмас десак, билмапман, ака, бехабар эдим, дейишади. Масалан, яқинда деҳқон бозорининг ўртасида Ж.Бозорова ва А.Бердиниёзов шакар сотаётганда ушланди. Уларнинг жавоби битта – билмапман, бехабарман.

Инспекция раҳбари Пахтакор туманидаги айрим савдо дўконларида сакиз турдаги кундалик эҳтиёж моллари етишмаётганини ҳам айтиб ўтди. Масалан "Пахтакор" ҳиссадорлик жамиятига қарашли М. Юсупов мудирлик қилаётган 1-дўконда шакар, ўсимлик ёғи йўқ. "Азамат" жамоа корхонасига қарашли Х.Рашидова раҳбарлик қилаётган 2- дўконда ҳам шакар етишмайди. Дўкон мудирлари М.Маҳмудов ва К.Тўйчиевлар ҳам ўсимлик ёғини ўз дўконларида йўқлигидан уялиб қолишди. "Матлуботсавдо" тизимига кирувчи дўконларда кундалик эҳтиёж моллари етишмаслиги кишини ташвишга солади албатта.

Бу ҳол айрим савдо ходимларининг, маҳаллий раҳбарларнинг ҳукуматимиз қарорига беписандлик билан муносабатда бўлаётганини кўрсатмайдими? Аслида мақсад бундай камчиликларнинг такрорланмаслигига эришишдан иборат эмасми?

- Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораяпмиз, - деди монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасининг масъул ходими Ҳамроқул Муҳиддинов. – Маҳалла фаоллари, оқсоқоллар билан ҳамкорликда ишлаётганимиз ҳам яхши самара бериши керак. Чунки кимнидир жазолаш, беш-ўн килограмм маҳсулотни мусодара қилиш билан кутилгандек натижага эришиб бўлмайди.

Жўяли фикр. Чунки қоидабузарни бу ердан қувсангиз эртага бошқа жойда савдо қилавериши мумкин. Агар у шу хатти-ҳаракати билан қўшниси ёки қариндошининг ризқига чанг солаётганини билса, қарияларнинг дашномини эшитса, йўлидан қайтади. Қолаверса, қонун доирасида ишлаб ҳам мўмайгина фойда кўриш мумкин.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ, "Туркистон-пресс".

— Онаси, сафардан қайтгунингизча ўғлимизни сутдан чиқариб ўзи нон ейдиган қилиб қўйдим.

— Ўттиз йилдан бери деҳқончилик қилиб, ҳосилимни ўзим сота олмайман.

Рассом Т.МЎМИНОВ.

Эшитдингизми, ўқидингизми?

ШИРШОВ ВА АКОПЯНЦ РОСТОВДА ҚОЛАДИ

Футбол бўйича Россия биринчилиги олий дивизионида тўп сураётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари - Николай Ширшов, Андрей Акопянц ва Сергей Лушан Ростовнинг «Ростсельмаш» жамоаси асосий таркибидан муқим жой олган.

Футболчиларимизнинг жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида ва Россия биринчилигида кўрсатган чиройли ўйинлари оммавий ахборот воситаларида ўзбекистонликлар билан Москва жамоалари жиддий равишда қизиқаётгани ҳақида хабарлар қўпайишига олиб келган эди. Бироқ, Ўзбекистоннинг 2001 йилги «Энг яхши футболчи»си Николай Ширшов ва Андрей Акопянцнинг «Ростсельмаш» билан 2005 йилга қадар шартнома имзолагани бундай гап-сўзларга барҳам берди.

Таъкидлаш жоизки, «Ростсельмаш»нинг келаси мавсумга тайёргарлик йиғинига яна бир ўзбекистонлик футболчи таклиф этилган эди. Миллий терма жамоамизнинг собиқ дарвозабони Павел Бугало Владикавказнинг «Алания»сида ишлари юришмагач, Ростовга кўрикка чақиртирилганди. Лекин спортчимиз Кисловодскда ўтказилган биринчи йиғинда ўзини кўрсата олмади.

Дил изҳори

Янги йил дастурхонига ул-бул нарсаларни харид қилиш учун «Ғунча» кинотеатри яқинидаги дўконларни бирин-кетин айлана бошладим. Иккита, учта дўконга кирдим, аммо мен қидираётган нарса йўқ эди. Бунинг устига озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўкон олдида турган Қорбобони кўриб ғашим келди. «Бизнес қилишнинг айни пайти, Қорбобо билан расмга тушадиганлар ҳам йўқ эмас, анча-мунча пул ишлаб олишади», дея хаёлимдан ўтказдим. Шу ўй билан дўконга кираётганимда, кутилмаганда:

РАҲМАТ СИЗГА, ҚОРБОБО!

— Янги йилингиз билан табриклайман!, — деган сўзлардан ҳушёр тортдим. Ногаҳон ўша тарафга ўгирилдим. Унинг самимий боқишлари бир лаҳзада руҳимдаги маҳзунликни қувиб, байрамона кайфият бахш этди. Қувонганимдан ҳатто дўконга нима учун кирганим ҳам ёдимдан чиқиб кетди. Қорбобо нафақат мени, балки дўконга кираётган ҳар бир ҳаридорни эҳтиром билан қутлар эди...

Анчадан бери, самимий кўзлари меҳрга тўла бундай Қорбобони учратмаганим учунми, ўзимдан-ўзим уялиб кетдим. Нега ҳаридорларга қувонч улашаётган бу Қорбобо ҳақида нотўғри фикрга бордим-а?..

Кўзга кўринмас ўша қалбнинг қанчалар нозиклигини, унга биргина илиқ сўз кифоя эканлигини шу лаҳзада тушуниб етдим. Чунки, у мени болалигимнинг беғубор оламига қайтариб, олисларда қолган ўша гўзал туйғуларимни бир сонияга бўлсада, инъом этган, бу эса мен учун энг қимматбаҳо совғадан ҳам аъло эди.

Раъно МАҲКАМОВА.

Савоб ишга не етсин

БЕПУЛ УЙ-ЖОЙ

Кам таъминланган оилаларни уй-жой билан таъминлаш Бухоро вилоят дастури миқёсида ўтган йили 133 та оила янги уй-жойга эга бўлди.

Шуниси эътиборлики, шаҳар ва туман ҳокимликлари ушбу хайрли ишни ички имкониятлар ҳисобига амалга оширди. Қарияларни қадрлаш йилида ҳам бу эзгу анъана давом эттирилади. Йил давомида вилоят бўйича 160 дан ортиқ кам таъминланган оила бепул уй-жой билан таъминланиши мазкур дастурга киритилган.

(ЎзА).

Ёруғ дунё қувончлари

Бундан беш йил муқаддам Ғиждувонда «Чашим» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ишга тушган эди. Кўз касалликларини даволашга ихтисослашган бу тиббиёт муассасаси ўзининг беминнат хизмати билан мижозлар эътиборини қозонди.

КЎЗ – ДИЛ ГАВҲАРИ

Москва кўз касалликлари микрохирургияси илмий-техникавий мажмуи мутахассислари билан шартнома асосида ишлаётган шифохонада ҳозирга қадар 300 дан ортиқ бемор даволаниб чиқди. Глаукома, катаракта, склеропластика каби оддий касалликлардан тортиб, мураккаб операцияларгача муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу ерда нафақат Ўзбекистон, балки Россия, Украина сингари хорижий мамлакатлардан келаётган беморларни ҳам учратиш мумкин.

— Бизда хизмат ҳақи анча арзон, - дейди қўшма корхона директори, тажрибали шифокор Олимжон Жумаев. - Шунинг учун мижозларимиз сони кўпайиб бормоқда.

Асосан катаракта касаллигидан азият чеккан беморлар мурожаат қилишади. Бу кўз касаллиги кучли нурланиш туфайли пайдо бўлади. Офтальмолог жарроҳлар ўрнатадиган кўз гавҳари эса нурланишнинг олдини олади.

«Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарини варақлаб, Денов туманидан Жамила Донова, қаршилик Розия Ҳайитова, Навоийдан Валентина Хломова, Қорақалпоғистон Республикасидан Эрали Йўлдошев, Учқудуқ туманидан Кажантой Муяссаров сингари беморлар шифокорлар хизматидан мамнун эканликларини изҳор этиб, қалб сўзларини ёзиб қолдирганликларини кўрамиз.

Яна бир қулай томони шундаки, жарроҳлик операциялари ўтказилган беморларга 6 ой мобайнида текин хизмат кўрсатилади.

Ёруғ дунёни кўриш бахти... Феруза осмон, тоза ҳаводан баҳраманд бўлган беморлар соғайиб, ўзларини даволаган шифокорларни бир умр эслаб юрадилар.

ЁЛҚИН.

Биласизми?

ГЛЮКОЗА — БИОЛОГИК ЁҚИЛҒИ

Муҳим ҳаётий жараёнлар учун зарур бўлган энергияга талаб — организмнинг асосий эҳтиёжларидан биридир. Одатда асосий энергия манбаи, энг муҳим биологик ёқилғи — глюкоза ҳисобланади.

Қон таркибида қанд моддаси миқдорининг камайиб кетиши натижасида киши ўзини ёмон ҳис қилади. Мия осойишта ҳолатда қон таркибидаги глюкозанинг қарийб учдан икки қисмини ва 45 фоиз кислородни истеъмол қилади.

Киши мияси бир кунда 100-145 грамм глюкоза талаб қилади. Глюкоза танада, асосан, жигарда мол крахмали — гликоген тарзида тўпланади. Жигардаги гликогеннинг миқдори 100 граммдан камроқ бўлиб, унинг бир қисми сарфланмай туради.

Шундай қилиб, жигардаги гликоген захираси мияни атиги бир неча соат мобайнидагина глюкоза билан таъминлашга етади.

Биз истеъмол қиладиган овқатлар таркибида қанд лавлаги ёки шакарқамиш шакаридан, яъни сахарозадан бошқа яна талай шакар моддалар бор. Масалан, сутда — лактоза, ундириб янчилган буғдой, арпада мальтоза, меваларда фруктоза ва глюкоза деган шакар моддалар бўлади.

Глюкозани саноат миқёсида ишлаб чиқаришни ихтиро қилиш тасодифий рўй берган эди. 1811 йилда Петербургнинг бош доришуноси К.Кирхгоф четдан келтириладиган елимнинг ўрнини босадиган бирор модда топиш мақсадида чинни ишлаб чиқариш технологиясига оид тажрибалар қилди. У айниқса, крахмалга эътиборни қаратди.

У крахмални сувга аралаштириб ва сульфат кислота қўшиб қайнатди. Маълум вақт ўтгач, ушбу крахмал худди араб елимига ўхшаш қуюқ ёпишқоқ бўтқага айланиб қолди. Бу кашфиёт глюкоза ишлаб чиқаришнинг дунё бўйича ягона илмий асоси бўлиб қолди.

Актёр. Бу сўз асли лотинча бўлиб, «ҳаракат қилувчи», яъни театр саҳнасида турли ҳаракатларни бажарувчи деган маънони англатади.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Апельсин. Икки сўзнинг бирикувидан тузилган «апельсин» аслида «Хитой олмаси» демакдир: «аппель» — голландча «олма» дегани, «сина»— «Хитой».

Аптека. Грекча «апотэке» сўзи «омбор», «нарсалар сақланадиган жой» деган маънони билдиради.

Бу сўз грек тилидан бошқа тилларга ўтиб, торроқ мазмун касб этган, яъни «дори сақланадиган омбор» маъносида ишлатила бошланган.

Армия. Қадимги Римда «арма» сўзи «қурол», «жанговар иш» деган маънони англатади.

Балл. Институтга ўқишга кираётган ёшлар учун юқори балл олишдан ҳам қувончлироқ воқеа бормикан! «Балл» эски французча сўз бўлиб, «шар» дегани. Бир замонлар сайловчилар баллар (шарлар) ёрдамида яширин овоз беришган: оқ шар — тарафдор, қора шар — «қарши» деган маънони билдирган. Кейинкейин бориб «балл» сўзи баҳо, ўлчов бирлиги (масалан, уч балли зилзила) маъноларида ишлатила бошланган.

А.АЛИЕВ.

Ним табассум

Бемор:

— Доктор, икки кундан бери кўзимга ҳеч нарса кўринмайди, юрагим қоп-қора! Маслаҳат беринг...

Доктор:

— Кўзойнак тақинг, юрак уришингизни билиш учун эса микроскопдан фойдаланинг.

* * *

Бемор:

— Кечирасиз, доктор, рентгеним қандай чиқди?

Доктор:

— Ўпкангизни ҳисобга олмаганда, ҳаммаси жойида.

* * *

Бемор:

— Горчичникни олинг, ахир орқам куйиб, кўзларим ачиб кетдику?

Ҳамшира:

— Кўзингизни бир пас юминг, ўтиб кетади.

* * *

Доктор:

— Кеча ёзган муолажаларимни бажардингизми?

Ҳамшира:

— Беморнинг ер остидан қарашлари бунга йўл қўймади...

М. АҲМЕДОВА.

КРОССВОРД



Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:

1.Амударё ва Сирдарё оралиғидаги чўл. 2.Газларга оид қонунни кашф этган итальян кимёгар ва физик олими. 5.Енгил газлар билан тўлдирилган қобиқли учиш қурилмаси. 7.Суюқлик ва қаттиқ жинслар зичлигини ўлчовчи асбоб. 12.Сув жониворлари ва ўсимликлари сақланадиган идиш. 14.Давлатнинг хориждаги ваколатли мансабдор шахси. 16.Сувсарсимонлар оиласига мансуб жонивор. 18.Қадимий Шарқ шаҳридаги майдон. 23.Тасвирланаётган нарса, ҳодисанинг бўрттириб баён этилиши. 25.Бино полига тўшаладиган материал. 27.«Дил ба ёр-у, даст-ба кор» — яъни «доимо кўнглинг Аллоҳда бўлсин, қўлинг эса ишда» деган ғояни илгари сурган тасаввуфий тариқат намояндаси бўлган ватандошимиз. 29.Фарғона водийсидаги туман. 34.Иссиқлиги кучли тошкўмир. 36.Бино сиртига пардоз беришда ишлатиладиган ашё. 38.Қуш номи билан бошланувчи Шарқда машҳур ҳикоялар мажмуи. 40.Опера асари матни.

Энига: 2.Африкадаги давлат. 4.Муқаддас даргоҳ. 6.Ўзбек халқ мақоми. 13.Қон томири. 15.Жониворлар тўдаси. 17.Юқори баҳо. 24.Кавказ ҳудудидаги республика пойтахти. 26.Инерт газ. 28.Яхна таом. 35.Байрам ширинлиги. 37.Сирач модда. 39.Иссиқлик, ҳаракат.

Бўйига: 8.Баҳор гули. 9.Шамсия йили ҳисобидаги бешинчи ой. 10.Эстрада гуруҳи. 11.Инсоний шафқат, раҳмдиллик. 19.Тасвирий санъат асари. 20.Кўчманчи чорвадорлар манзилгоҳи. 21.Халқ термалари билан айтиладиган ашула. 22.Тўрли миллий мусиқа асбоби. 30.Оптик асбоб. 31.Вулқондан отилиб чиқувчи модда. 32.Омад, садоқат. 33.Шифобахш, табиий ширинлик.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

Оғир атлетика

Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти оғир атлетика бўйича ташкил этган мусобақалар кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортди.

МАҲОРАТ КЎРИГИ

Мусобақаларда Самарқанд вилоятининг спортчилари, айниқса, яхши натижаларга эришди. Хусусан, А.Маматқулов, Ж.Усмонов ва Д.Ҳасановлар шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдилар. Андижон вилояти вакиллари ака-ука Дилшод ва Одил Ғозиевлар, шунингдек Ж.Насриддинов ҳамда қўқонлик А.Ҳайдаровларга ҳам омад кулиб боқди.

Тошкент вилояти вакиллари ҳам панд беришмади. Номи элга танилаётган спортчилар Ҳ.Маматқулов, С.Раҳмонов, Б.Абдумаликов, Ш.Скоробогатов ва бошқалар ўзларининг бир йил муқаддам қўлга киритган кўрсаткичларини янгиладилар.

Муҳайё ИСАЕВА, Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти йўриқчиси.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан 2001 йил 1 майда «Ўзтадбиркорбанк» номига берилган код СООГУ 05174 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Федерация жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқаруви раисининг ўринбосари, котибият раҳбари Баҳодир Тожиевга волидаи муҳтарамаси **ҲАБИБА ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқаруви жамият раисининг ўринбосари Баҳодир Тожиевга волидаи муҳтарамаси **ҲАБИБА ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 25. 1 2 3 4 5 6